Беш йиллик шиори: **ЖАДАЛЛАШТИРИШ, СИФАТ ВА ТЕЖАМКОРЛИК**

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 149 (8889). ✦ 1986 йил 1 август, жума ● Баҳоси 3 тийин

## ПАРТИЯ АКТИВИ КЕНГАШИ

ХАБАРОВСК, 31 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев катта нутқ сўзлади. (Нутқ матбуотда эълон қилинади).

## М. С. ГОРБАЧЕВ ХАБАРОВСКДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 31 июль куни Хабаровскдан Москвага жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черный, ўлка ижроия комитетининг раиси Н. Н. Данилюк, ўлка партия комитети бюросининг аъзолари кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ УЗОҚ ШАРҚ САФАРИДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Узоқ Шарқ сафаридан 31 июль куни Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ҲАР ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛАМИЗ!

**КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида «Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш — ҳозир мусобақанинг бош мақсадларидир» деб алоҳида таъкидланди. Партиямизнинг бу чақириғига амалий иш билан жавоб бераётган областимиз пахтакорлари сув танқис бўлган бу йилги шароитда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида она-Ватанга мўл ва сифатли, арзон пахта ҳосили етказиб беришга аҳд қилганлар.**

**Далаларда иш ана шу аҳдга яраша ташкил этилди. Ҳозир эса ҳосил тўплашда ҳал қилувчи дамлар етиб келди. Эндиликда ғўза парваришини ҳар томонлама кучайтириш, агротехника тадбирларини сифатли бажариш, ҳамма ерда социалистик мусобақанинг ошкоралигини ва таъсирчанлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигига илғор тажриба, фан-техника ютуқларини жорий этиб, интенсив технологиядан омилкорлик билан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эгадир.**

**Бу имкониятлардан самарали фойдаланаётган пахта усталари — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхознинг Бекноз Бойматов, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдубашар Усмонов, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан Ленин ордени нишондори Аҳмад Душабоев, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоздан Норинбой Ҳасанбоев, шу районидаги «Пискент» совхозидан Ҳалил Иброҳимов, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоздан Набижон Фозилов, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Фикрет Сефершаев, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Темир Нурматов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари пахтадан йилдан-йилга мўл, сифатли ва эртаки ҳосил олиб келмоқдалар. Бу бригадаларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларига жавобан ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар гектар ердан камида 40 центнердан пахта ҳосили олишга сўз бердилар.**

**Уларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, мўлжалдаги маррани эгаллаш, юқори натижаларга эришиш учун масъулиятни чуқур ҳис қилиш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ самарага эришиш, бунинг учун эса ишни янгичасига ташкил этиш лозим. Бундай имконият ҳамма ерда ҳам бор. Бугун ана шу илғор бригада бошлиқлари пахтадан мўл ва эртаки, сифатли ҳосил етиштиришнинг интенсив усуллари, далаларни ва техникани терим мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб бораётган ишлари, тажрибалари билан ўртоқлашадилар.**



**Бекноз БОЙМАТОВ,**
**Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи:**

— ПАХТАЧИЛИК бригадасига бошчилик қилаётганимга 30 йил бўлди. Кўп йиллик тажрибаларимдан шундай хулосага келдимки, ёз ойларида ғўза парваришини ҳар томонлама кучайтириш мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга. Айни кунларда бутун диққат-эътиборни чеканкани сифатли ўтказишга қаратиш керак. Бу муҳим агротехника тадбирини биз қисқа муддатда ўтказдик. Механизаторимиз Набижон Турғунбоев 116 гектар майдондаги барча ғўзани машина ёрдамида чеканкадан чиқарди. Ғўзанинг ён шохларини кетма-кет қўл кучи ёрдамида чилпидик.

Бригадамизда ҳосил тўплаш қизғин боряпти. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 7—8 тадан кўсак бор. Август ойида ишловни янада кучайтирамиз. Культивация давом эттирилади. Суғориш билан биргаликда экинни маҳаллий ўғит билан озиқлантирамиз. Бу «шарбат» усулида амалга оширилади. Ҳар гектар ерга яна кам деганда 8—9 тонна гўнг соламиз.

Биз ҳисоблаб чиқдик. 40 центнерлик маррани эгаллаш учун ҳар туп ғўзада камида 12—13 та бўлиқ кўсак бўлишига эришишимиз керак. Ишларимиз яхши боряпти. Ҳар гектар ерда ҳозир ўртача 115 минг тупдан кўчат сақлаб қолинган. Эндиликда уларни чанқатиб қўймаслик, аксинча, ҳаддан зиёд қўллатиб суғормаслик жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам барча дала ишлари комплекс ҳолда амалга оширилмоқда. Далалар бегона ўтдан тозаланмоқда. Биз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини терим машиналари ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилганмиз. Барча терим агрегатларини тайёрлаб қўйдик.



**Абдубашар УСМОНОВ,**
**Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи:**

— БИЗНИНГ коллективимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова бошчилик қилаётган бригада билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилмоқда. Биз вақти-вақти билан ўз ишларимизни назорат қиляпмиз, илғор тажрибаларни ўртоқлашяпмиз, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун маслаҳатлашамиз, бир-биримизга ёрдам берамиз. Бу пахтадан мўл, эртаки ва сифатли ҳосил етиштириш имконини бермоқда. Ўтган йили бригадамизда ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Албатта, бу сўнгги марра эмас. Бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашаяпмиз. Ўз сўзимизнинг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Ҳозир ҳар туп ғўзада 5—6 тадан бўлиқ кўсак бор. Чеканкани тўлиқ якунладик. Бу тадбир асосан механизмлар ёрдамида амалга оширилди.

Ҳозиргача ғўзалар тўрт марта суғорилди. Август ойида яна бир марта сув қўямиз ва культивация ўтказамиз. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, биз дала ишларида механизациядан самарали фойдаланяпмиз. Масалан, бу йил дефолиация тракторларда ўтказилади. Терим агрегатлари мавсумга шай қилиб қўйилди. Механизаторларимиз Карим Анорқулов ва Ўрозали Холмуродовлар бу йил ҳосилнинг 90 процентини машинада териб олишга сўз беришган.

Биз бу йил асосий диққат-эътиборни ҳосил сифатини яхшилашга қаратяпмиз. Бу мақсадга эришиш учун ғўзани эртаки қилиб етилтириш, пахтани тез ва соз йиғиштириб олиш лозим. Шундай қилиб умумий ҳосилнинг 80—85 процентини фақат биринчи сортга топширамиз.



**Аҳмад ДУШАБОЕВ,**
**Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг бригада бошлиғи:**

— ЕТИШТИРИЛГАН барча пахта ҳосилини ўз кучимиз билан йиғиштириб оламиз — бизнинг коллективимиз аъзолари бир неча йилдирки ана шу мақсад йўлида меҳнат қилишаяпти. Икки йилдирки сўзимизнинг устидан чиқаяпмиз, юқори натижаларга эришаяпмиз. Ана шу янги усулда меҳнат қилиш туфайли ўтган йили ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили олдик. 80 проценти машиналарда терилди. 74 проценти биринчи сортга топширилди. Энг муҳими, маҳсулот етиштиришга қилинган сарф-харажат кескин камайди. Бу йил ана шу кўрсаткичларни янада яхшилаш учун курашяпмиз. Эрта баҳордан бошлабоқ бутун ҳаракат шунга қаратилган. Далалар бегона ўтдан тозаланди, сифатли тайёрланган майдонларга чигит ташланди. Механизациядан самарали фойдаланяпмиз. Айни кунларда механизаторларимиз Абдуфоиз Абдуғофуров ва Ашурали Йўлдошевлар ғўза чеканкасини якунлашмоқда.

Айни кунларда зараркунанда ҳашаротлар, айниқса, кўсак қурти жуда хавфлидир. Бу зараркунандаларга қарши биологик усулдан кенг фойдаланяпмиз. Бу йил колхозимизнинг 3 та бригадасида биологик усул қўлланилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб эса колхоз бўйича зараркунандаларга қарши биологик усулда курашамиз.

Илғор технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш бизга фақатгина мўл ҳосил етиштиришни эмас, унинг сифатини яхшилаш имконини ҳам бермоқда. Биз бу йил ҳосилнинг 80 процентини биринчи сортга топширишни режалаганмиз.



**Ҳалил ИБРОҲИМОВ,**
**Пискент районидаги «Пискент» совхозининг бригада бошлиғи:**

— ҚИШЛОҚ хўжалигида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини бераётган илғор усуллардан бири — коллектив пудратдир. Биз ўз тажрибамизда бу илғор усулнинг афзаллигига ишонч ҳосил қилдик. Меҳнаткашларни пировард натижага қараб моддий манфаатдор этиш — кам маблағ сарфлаб кўпроқ маҳсулот олишда жуда катта роль ўйнамоқда. Шу илғор тажриба туфайли биз ўтган йили етиштирилган жами ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олдик. Умумий ҳосилнинг 95 проценти эса биринчи сортга сотилди. Бу бригадамизга катта моддий фойда келтирди. Коллективимиз ишчилари меҳнат ҳақининг ҳар сўмига 1 сўму 20 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар.

Шунинг учун ҳам бригадамизнинг ҳар бир вакили унумлироқ ва сифатлироқ меҳнат қилишга ҳаракат қилади. Бригада Совети эса ишнинг сифатини, меҳнат интизомига риоя қилинишини, ҳар бир кишининг меҳнатда иштирок этганлик коэффициентини назорат қилиб боради.

Бригада пудрати асосида меҳнатни ташкил этиш бизга резервлардан янада кенгроқ фойдаланиш имконини бермоқда. Биз йил бошида олган социалистик мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик. Маслаҳатлашиб ҳар гектар ердан 35 центнердан эмас, 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик. Айни кунларда ҳосил тўплаш ойлиги қизғин давом этаяпти.

Биз ҳозироқ ғўзани тракторлар ёрдамида дефолиация қилишга ва йиғим-теримга шай бўлиб турибмиз. Пахта териш машиналари, кўсак териш ва кўсак чувиш механизмлари ҳамда бошқа техника сифатли ремонтдан чиқарилди. Механизаторларимиз Мусаддин Шоазимов ва Расул Жабборовлар ўзларининг «зангори кема»лари ёрдамида 90 процент ҳосилни териб беришмоқчи. 95 процент пахтани биринчи сортга сотамиз. Бу бригадамизнинг экономикасини янада мустаҳкамлаш имконини беради.



**Фикрет СЕФЕРШАЕВ,**
**Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози бригада бошлиғи:**

— Қишлоқ хўжалигида интенсив технологияни қўллашнинг муҳим омилларидан бири — машина ва механизмларни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги ва илғор усулларини кенг миқёсда ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида пахтачиликка ҳам тааллуқлидир.

Биз пахта етиштиришда техникага таянамиз. Ғўзаларга ишлов беришда, ҳосил йиғим-теримида машиналар бенуқсон ишлаб турса, қандай яхши. Шунинг учун ҳам коллективимиз механик-ҳайдовчилари ҳар бир мавсум олдидан ўзларига бириктирилган трактор ва агрегатларни пухта созлаб қўйишади. Бу йил ҳам шундай қилганмиз.

40 центнерлик марра учун курашяпмиз. Етиштирилган ҳосил асосан машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади. Шу мақсадда ғўзани машина теримига мослаб ўстирдик. Парваришни авж олдирмоқдамиз. Тахминий ҳисобимиз бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 90 минг тупдан кўчат, ҳар бир туп ғўзада эса 5—6 тадан кўсак бор. Вазифамиз август ойининг охиригача ҳар туп ғўзада 14—16 тадан кўсак етиштиришни таъминлашдан иборатдир. Шундагина биз олдимизга қўйган мақсадимизга эриша оламиз.



**Энвер АЛИЕВ,**
**Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози бригада бошлиғи:**

— Ўтган йили пахтачиликда яхши натижаларни қўлга киритдик. Йил якунига кўра бригадамиз аъзолари ҳар бир сўмга 1 сўм 76 тийиндан қўшимча иш ҳақи олдилар. Етиштирилган ҳосилнинг таннархи эса анча арзонлаштирилди. Бундай ютуқларга эришишимизда механизациядан унумли фойдаланиб, ғўза парваришида агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказганимиз муҳим аҳамият касб этди, албатта. Биз йиғим-терим мавсумида ҳам «зангори кема»лар имкониятидан тўла фойдаландик. Асосий ҳосилнинг 96 процентини машиналар бункеридан тўкдик.

Бу йилги режаларимиз янада юксак. Мавжуд 128 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Давлатга жами 500 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берамиз. Шунинг учун ҳам айни пайтда ғўза парваришини янада авж олдирмоқдамиз. Ҳар галгидек бу йил ҳам техникага таянамиз. Унинг имкониятларидан мумкин қадар самарали фойдаланиш учун курашилмоқда. Ҳозир барча машина ва механизмлар йиғим-терим мавсумига шай ҳолга келтирилган. Биз КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида таъкидланганидек, бундан буён ҳам янада унумлироқ ва самаралироқ ишлашга астойдил ҳаракат қилаверамиз.



**Норинбой ҲАСАНБОЕВ,**
**Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи:**

— Бригадамизда 45 аъзо бор. Аммо бу коллективда меҳнатни тўғри ташкил этишда, агротехника тадбирларини энг қулай муддатларда сифатли ўтказилишида заррача бўлсада ҳалал бермайди.

Ҳозирги кунда партия ва ҳукуматимиз қишлоқ кишиларининг меҳнат активлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу мақсадга турли ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширмасдан, шунингдек, хўжаликни юритиш ва бошқаришнинг такомиллашган усулларини қўлламасдан эришиб бўлмайди. Бизда бу соҳада бир қанча тадбирлар жорий этилмоқда. Натижада ҳар ким ўз фаолиятига танқидий қараб, ишини билиб қилмоқда. Илғор коллективларнинг тажрибасидан маълумки, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш имкониятини беради. Биз ҳам келгусида ўз ишимизни қайта қуриб, ана шу усулни қўлланишни мақсад қилиб олдик.

Бригадамизга кейинги пайтда кўплаб ёшлар келиб қўшилмоқда. Устоз пахтакорларимиз ўзларининг билим ва тажрибаларини уларга қунт билан ўргатмоқдалар. Мураббийчилик ҳаракати кенг авж олдириб юборилди. Бу эса ўзининг самарали натижасини беряпти.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан биз бу йил юксак кўтаринкилик руҳида меҳнат қилиб, пахта ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказамиз.



**Набижон ФОЗИЛОВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи:**

— КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида аграр сектордаги ишларни янада кучайтириш учун ҳали фойдаланилмай қолаётган резерв ва имкониятлар талайгина эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ҳақиқатан ҳам шундай. Наҳотки биз шу кунгача эришилган марраларни энг сўнггиси деб билсак?! Афсуски орамизда ҳали шундай коллективлар борки, уларнинг раҳбарлари ва аъзолари шу кайфиятда юришади. Оқибатда олдинга силжиш ўрнига қолоқлар қаторига тушиб қоладилар.

Менимча, бугунги кунда ишга бўлган бундай муносабат билан муроса қилиб бўлмайди. Ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат харажатларини камайтириб, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун ҳар бир бригада, хўжаликда ҳали фойдаланилмай ётган имкониятлар анчагина. Айниқса, ҳозирги — ғўза парваришида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи паллада омилкорлик билан иш юритиш зарур. Агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилиш керак. Агар ғўзани суғоришда, культивация қилишда, чеканка ўтказишда, ҳашаротларга қарши курашда ва бошқа жараёнларда хатоликка йўл қўйилса, кўплаб ҳосилни йўқотиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда ҳозир ҳосил тақдири пахтакорлар қўлида. Бригадамиз аъзолари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Биз пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказамиз.



**Темир НУРМАТОВ,**
**Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи:**

— Ҳозирги кунда биз пахтакорлар олдида турган асосий вазифа — дала ишларини кучайтириб, август ойи мобайнида ҳар бир туп ғўзада кам деганда 14—16 тадан бўлиқ кўсак тўплашга эришишдан иборатдир. Айни пайтда йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўриб, барча машина ва механизмларни сифатли ремонтдан чиқариб қўйишимиз лозим. Ана шу мақсадда коллективимизда зарбдор 50 кунлик эълон қилинган. Бу давр мобайнида биз барча белгилаган режаларимизни тўкис амалга ошириш учун курашамиз. Бунинг учун эса ҳар биримиз меҳнат интизомига қатъий амал қилишимиз лозим.

Коллективда бригада совети тузилган. Унга сувчи, ҳисобчи-иқтисодчи, звено бошлиғи ва колхозчи аъзо бўлиб кирган. Совет аъзолари мунтазам равишда кунлик иш якунини таҳлил қилиб борадилар. Топширилган ишни сидқидилдан бажарганлар рағбатлантирилмоқда. Интизомни бузган, ишга совуққонлик билан муносабатда бўлганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Бригадада навбатчилик ташкил этилган. Аъзоларимиз галма-гал пайкал оралаб чиқадилар. Қайси далага зудлик билан сув қўйиш ёки культивация ўтказиш зарурлигини аниқлайдилар. Шунга қараб чоралар амалга оширилади. Навбатчилар иш сифати, зараркунандаларнинг кўпайишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ўйлайманки, бундай тадбирлар ҳар бир хўжалик, бригадада ҳам амалга оширилиши керак. Бусиз мўлжалланган маррага эришишимиз қийин бўлади.

## *Областимиз бир группа илғор пахтакорларининг бу ватанпарварлик ташаббуси кенг оммалашсин!*

# ЯНГИЙЎЛДАГИ ЭСКИЧА УЙЛАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳрига кириб боришда, аввал Жўн каналидан, сўнг юз метрча юрар-юрмас Куркулдак сойидан ўтилади. Бу ердаги бир-бирига ўхшамайдиган айқаш-уйқаш уйларни, ҳовли ва томорқа ерларни бир пайтлар хонадон эгалари ўз хоҳишлари ва дидларига мос қилиб қураверганлар. Шаҳарнинг йирик, ягона марказий Самарқанд кўчаси бўйлаб ичкари кириб борган сари қачон қурилгани номаълум бир қаватли уйлар савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат соҳаларига қарашли хилма-хил қиёфадаги майда-йирик бино ва дўконлар билан алмашади. Умумий манзара шундай бўлганлиги учун Янгийўлга биринчи бор келаётган киши марказга яқинлашмагунча, шаҳарга кириб қолганлигини сезмайди. Яъни территорияга кириб борилгандаёқ бу Янгийўл шаҳри эканлигини ёдга солувчи ўзига хос ташқи қиёфали обида, замонавий иморатлар ва иншоотлар кўзга яққол ташланиб турмайди.

Шаҳарда Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи, айрим социал-маданият объектларни ҳисобга олмаганда кишини ўзига жалб этувчи кўркам бинолар деярли йўқ. Аксинча, ташқи қиёфаси кўримсиз эски уйлар, турли ташкилот жойлашган пала-партиш, «пачоқ» бинолар оз эмас. Улар меъёридан ортиқча майда дўкон ва дўкончалар билан қўшилиб шаҳар қиёфасига акс таъсир қилади.

Хўш, нега шундай? Асос солинганига бир неча ўн йил бўлганига қарамай, нима учун Янгийўл шаҳри ўзига хос замонавий архитектура қиёфасига эга эмас?

— Бу шаҳар бир пайтлар Янгийўл районининг маркази бўлган, — дея изоҳ беради шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Маҳмуджон Мўйдинов. — Ҳозир ҳам жами турар-жой фондимизнинг деярли ярмини ўша вақтларда якка тартибда қурилган шахсий уйлар ташкил этади. Лекин кейинги йилларда шаҳарни комплекс ривожлантиришга эътибор кучайди. Жумладан, турар-жой ва социал-маданий объектлар қурилишини узоқни кўзлаб, планли олиб боришга ҳаракат қилиняпти.

Ижроком раисининг гапида жон бор. Район маркази базасида вужудга келган шаҳарда кейинги 15—20 йил ичида кўп хонали баланд уйлардан иборат турар-жой массивлари барпо этилди. Шаҳар шароитига мос келмайдиган эски маҳаллаларда янги массивлар қуриш давом эттирилмоқда.

Аммо биз ижроком раисининг капитал қурилиш ишлари бўйича муовини Тўлқин Бектурсунов билан қурилиш кўлами ва суръатининг шаҳар аҳолиси талаб-эҳтиёжларига мутаносиблиги масаласида суҳбатлашганимизда бир қатор жиддий муаммолар борлиги маълум бўлди. План комиссиясининг маълумотига қараганда бугунги кунга келиб шаҳар аҳолисининг сони 69 минг кишидан ошди. Давлат, кооператив ва шахсий турар-жойларнинг умумий фонди эса 551,6 минг квадрат метрга етди. Киши бошига нормадаги 12 квадрат метр ўрнига 8 квадрат метр атрофида турар-жой тўғри келади.

Оддий ҳисоб-китобга кўра бу етишмовчиликнинг ўрнини тўлдириш учун чорак аср вақт керак бўлади. Бироқ бу даврда аҳолининг сони ҳам табиий равишда ортиб боради, албатта. Масалан, ҳозир шаҳар аҳолиси йилига ўртача 750 кишига кўпайиб бормоқда. Демак, аҳолининг 25 йилдан сўнгги эҳтиёжини қондириш учун камида 45—50 йил уй-жой қуриш билан шуғулланиш керак бўлади. Бу ҳозирги кун талабига мутлақо тўғри келмайдиган суръатдир. Аксинча, партия халқ фаровонлигини оширишга энг қисқа муддатларда эришиш вазифасини қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида жумладан, шундай сатрлар бор: «2000 йилга бориб ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш — жуда катта, аммо бажарса бўладиган вазифадир».

Съезд ўн иккинчи беш йилликда айниқса, ундан кейинги беш йилликлар даврида янги уй-жойлар қурилиши ва мавжуд уй-жой фондини реконструкция қилиш кўламини анча кенгайтириш вазифасини конкрет қилиб қўйди. Шаҳар ижроия

## *Шаҳар қиёфаси ҳақида мулоҳазалар*

комитети 2000 йилгача давом этадиган уй-жой қурилиши кўламини ана шу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда белгиламоқда. Масалан, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун ўн иккинчи беш йилликда 109 минг квадрат метр, 13-беш йилликда 162 минг, 14 беш йилликда эса 348 минг, 2000 йилгача жами 620 минг квадрат метр атрофида турар-жой бинолари қурилиши керак. Бунинг учун эса мустаҳкам асос бўлиши, яъни биринчи навбатда маблағ, ер ва ишчи кучлари мавжуд бўлиши лозим.

Шаҳарда шундай имконият бор-йўқлиги ҳақида қуйидаги рақамларни чоғиштириб хулоса чиқариш мумкин. Шаҳарнинг 1976 йили область ижроия комитети томонидан тасдиқланган бош планига кўра ҳозир унинг территорияси 753 гектарни ташкил этади. 2000 йилга бориб шаҳарнинг 1500 гектар майдонни эгаллаши, яъни икки баравар кенгайиши лозимлиги ана шу бош планда белгилаб қўйилган. Бу вазифани ҳал этиш учун 15 йил давомида йилига ўртача 50 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуриш керак бўлади.

Мавруди келганда шуни ҳам айтиш керакки, шаҳарда болалар боғча ва яслилари қурилиши кўлами ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Фактларга мурожаат қилайлик. Ижроком раисининг таъкидлашига қараганда ўн иккинчи беш йилликда шаҳарда фақат биттагина 140 ўринли болалар боғчаси қуриш планлаштирилган холос. Холбуки, ҳозир 4000 бола учун шаҳар боғчаларида ўрин йўқ. Уларни ҳам жойлаштириш учун 140 ўринли боғчадан яна нечта керак бўлишини ҳисоблаб кўриш қийин эмас.

Аммо шаҳарда бундай кўламда қурилиш ишларини олиб бориш имконияти йўқ. Биринчидан, шаҳарнинг бош плани тасдиқлангандан сўнг ўтган ўн йил ичида унинг территорияси бор-йўғи 35 гектарга кенгайди, холос. Иккинчидан, йилига 7 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуриш планлаштирилган. Бу тўрт қаватли учта уй деган гап, холос.

Шаҳарда қурилиш кўламини кенгайтириш ва суръатини тезлаштиришнинг ички резерв ва имкониятлари йўқми?

— Бор, аммо бу масала Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг Янгийўлдаги 8-ғишт заводлари бошқармаси ҳамда республика Қурилиш министрлигига қарашли 6-трест бўлинмалари иши билан боғлиқдир, — дейди Т. Бектурсунов.

Ижроком раисининг муовини ўз фикрининг исботи учун аниқ факт ва рақамлар келтирди. Масалан, шаҳарнинг ғиштга бўлган эҳтиёжи 3 миллион дона. Бу ердаги завод эса белгиланган фондга мувофиқ атиги 800 минг дона ғишт беради. Натижада яна 700 минг дона ғиштни шаҳардан 30 километр узоқдаги Олмазор посёлкасидан ташиб келтиришга мажбур бўлинмоқда. Чиноз район матлубот жамияти эса керакли ғиштни Янгийўл районидаги заводдан ташийди. Бундай чалкаш планлаштиришдан кимга фойда? Ҳар ҳолда ҳеч бир томоннинг бундан фойда кўрмаслиги аниқ.

Ижроком раҳбарларининг 6-трест бўлинмалари ишига оид мулоҳазалари хусусида ҳам жиддийроқ ўйлаб, тегишли хулосалар чиқариш лозим кўринади. Трестнинг деярли ҳамма бўлинмалари Янгийўл шаҳрида, ўзи эса Тошкентда жойлашган. Трест ҳам Янгийўлга кўчирилса бўлинмаларни бошқариш ва улар ишини назорат қилиш осон бўларди ва шу йўл билан шаҳарда қурилиш кўламини кенгайтириб, суръатини ошириш имконияти туғиларди.

Яна бир ўринли мулоҳаза: шаҳардаги пахта тозалаш заводининг атрофида болалар боғчаси, сут маҳсулотлари заводи, колхоз бозори ва кўплаб уйлар жойлашган. Пахта заводидан чиқадиган чанг ва бошқа чиқитлар улар территориясини ифлослантиради. Энди заводни шаҳар территориясидан кўчириш пайти келди. Шундай қилинса икки томонлама қулайлик яратилади. Биринчидан, шаҳарнинг озодалиги учун яхши бўлади. Иккинчидан, уй-жой қурилиши учун кенг майдон очилади. Дастлабки тахминий ҳисоб-китобларга қараганда завод ўрнида 7 та кўп қаватли уй қуриш мумкин. Бу 400 та қўшимча квартира демакдир.

Хулоса қилиб айтганда шаҳардаги ҳар қандай қурилиш — хоҳ уй-жой, хоҳ социал-маданий объект бўлсин, бош планга мувофиқ, территориянинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, архитектура кўринишини даврга мос қилиб барпо этиш керак бўлади. Ана шунда Янгийўл бошқа шаҳарларда такрорланмаган ўзига хос қиёфага эга бўлиши мумкин.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА





● **ОҲАНГАРОН районидаги Будённий номли совхознинг Турдибой Кушев бошчилик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси озуқакорлари биринчилар қатори силос учун маккажўхори ўримини бошлаб юбордилар. Улар бу йил 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 400 центнердан силосбоп кўк масса ўриб-йиғиб олишга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) совхоз директори А. Ҳакимов, механизатор А. Абдураҳмонов ва бригада етакчиси Т. Кушев ўртоқлар ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда: силос ўрими пайти.**

**А. Мальцев** фотолари.

# ВАКОЛАТЛАРИМИЗДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

**БУГУН ТОШКЕНТДА халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари раисларининг зонал семинари ўз ишини бошлайди. Семинарда КПССнинг XXVII съезди ва партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми (1986 йил) кўрсатмаларидан келиб чиқиб Советлар олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинади.**

**Маълумки куни кеча КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу қарорда маҳаллий Советлар мамлакатни социал иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этувчи энг самарали бўғин сифатида ўз территорияларида ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари учун масъулиятини ошириш, ўз ваколатларининг яна ҳам кенг ёйилишини таъминлаш зарурияти алоҳида кўрсатилган. «Советларнинг асосий бурчи, — деб қайд этилади қарорда, — ўзининг бутун сафарбарлик ва ташкилотчилик фаолияти билан оммани янги вазифаларга чорлаб социал ва иқтисодий проблемаларни ҳал этиш, ўзининг назорат қилиш ҳуқуқидан максимал фойдаланиш, шу жумладан, ердан фойдаланишда ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда халқ манфаати билан боғлиқ ҳаётий муҳим масалаларни тўла-тўкис ҳал қилишдан иборатдир».**

**Бу вазифаларни амалга оширишда областимиз маҳаллий Советлари муайян тажриба орттирмоқдалар. Семинар арафасида редакцияда ўтказилган учрашув иштирокчиларидан — халқ депутатлари Бордонкўл қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси А. Нортоев, Бўка район ижроия комитети ташкилий инструкторлик бўлимининг мудири Д. Ҳусанов ва Бўстонлиқ район Ўгам қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Э. Абдурасулов ана шу тажрибалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қуйида ана шу ўртоқларнинг мақолалари эълон қилинмоқда.**

### ДЕПУТАТ НАМУНАСИ

**А. НОРТОЕВ,**

**Коммунистик район халқ депутатлари Бордонкўл қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси:**

— Бизнинг қишлоқ Советимиз территориясида «Политотдел» ва «Ленинский путь» колхозлари, Юқоричирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлик тажриба заводи, 2-каноп заводи ва пахта тайёрлаш пункти, қурилиш-монтаж ва бошқа ташкилотлар бор. Бу меҳнат коллективлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида олдиларида турган вазифаларни муваффақият билан бажариб келишмоқда.

Хўш, ижроком ва унинг депутатлари ана шу корхоналар фаолиятига қандай таъсир ўтказмоқда? Аввало шуни айтиш лозимки, ҳар бир корхонада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан ва қўшимча резервлардан самарали фойдаланиш ҳамда сифатни яхшилаш бош вазифа қилиб қўйилди. Бу масалаларни ҳал этишда депутатларнинг ташкилотчилик ролини ошириш, таъсирини кучайтиришга интилмоқдамиз.

Ишни янгича ташкил этиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, маълум ўзгаришлар ҳам сезилмоқда. Масалан, колхозларда ва бошқа меҳнат коллективларида ярим йиллик планни муддатидан олдин бажарувчилар сафи анча кенгайди. Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг барча воситаларидан фойдаланилмоқда. «Политотдел» колхозида халқ номзодлари Петр Тен ва Турсунбой Усмонов, «Ленинский путь» колхозидан Яков Хан ўртоқлар бошлиқ бригадаларда деярли ҳар куни юқори унумдорлик билан меҳнат қилинмоқда. Улар бу йил камида 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш ва 200 центнерга етказиб кўк каноп пояси олиш учун курашиш ташаббуси билан чиқишди.

Илғорларнинг ташаббуслари кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди ва райондаги бошқа меҳнат коллективлари томонидан маъқулланди. Районда «Сафимизда бирорта ҳам қолоқлар бўлмайди» шиори билан бошланган ҳаракат кенг оммалашмоқда. Ҳозир қишлоқ Совети территориясида 24 бригада коммунистик меҳнат бригадаси, 480 дан ортиқ киши коммунистик меҳнат зарбдори номига эга.

КПСС Марказий Комитетининг (1986 йил) июнь Пленуми қарорларидан руҳланган қишлоқ хўжалигининг меҳнат аҳли масъулиятли марраларни белгилаб олишган: пахта, каноп, ғалла, гўшт, сут, тухум етиштиришни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Белгиланган бу режаларни тўла рўёбга чиқариш учун советларнинг назорати кучайтирилди. Ижроком йиғилишларида хўжалик раҳбарларининг ҳисоботлари доимий тартибда эшитилиб турибди.

Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштириш энг зарур ва долзарб вазифаларимиздан эканлигини яхши тушунамиз. Қишлоғимизда ҳозир 26 та маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш ва умумий овқатланиш тармоғи ишлаб турибди. 2 та участка касалхонаси, 7 та фельдшер-акушерлик пункти, 250 кишига хизмат кўрсатаётган поликлиника, спорт комплекслари, кинотеатрлар, кутубхоналар хизматини доимий назорат остига олганмиз: Ўз ваколатимиздан фойдаланган ҳолда сайловчилар наказларини бажариш йўли билан қишлоқни ободонлаштириш ва меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашнинг янги имкониятларини қидиряпмиз.

Доимий комиссиялар ва депутатларнинг хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар фаолиятида актив иштирок этишлари орқали шу йилнинг бошидан буён территориямизда 20 километрдан ошиқ йўл, кўча ва йўлкалар асфальтланди. Суғориш тармоқлари тартибга келтирилди, яшил зоналар ташкил этиш мақсадида турли дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Анчагина ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ижрокомда кўриб чиқиладиган ҳамма масалалар доимий комиссиялар ва уларнинг активлари иштирокида олдиндан тайёрлаб бориладиди. Бу эса ҳар бир масалани чуқурроқ ўрганиб чиқиш ва хўжалик ҳамда социал-маданий қурилишнинг ҳамма участкаларидаги ҳақиқий аҳволни аниқлаш, аниқланган камчилик ва нуқсонларни тезроқ тугатиш имконини бермоқда.

### ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ДОИМ ИШЛАСИН

**Д. ҲУСАНОВ,**

**Бўка район ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири:**

Бўка шаҳар, район ва қишлоқ Советидаги депутатлар 82 та доимий комиссия, 44 та территориал группа ва 30 та ишлаб чиқариш депутатлик группаси ҳамда 85 та постларга бирлашиб ишламоқдалар. Советларнинг ана шу ташкилотларидаги барча аъзолари асосий эътиборни иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга, депутатлар ва меҳнат коллективларини ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажаришга сафарбар этишга қаратмоқдалар. Тўпланаётган тажрибалар, илғор методларни умумлаштириш, нуқсонларни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишда доимий комиссиялар фаолияти кучайди. Улар жойларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш, дастгоҳлар ва ускуналардан тадбиркорлик билан ҳамда бошқа моддий ресурслардан, хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланишни мунтазам назорат қилиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини топиш ва ишга солишни йўлга қўйишда маҳаллий Советларга кўмаклашмоқдалар, қилаётган ишлари ҳақида ўз вақтида ҳисобот бериб турибдилар.

Бўка шаҳар, Ленинобод ва Кўкорол қишлоқ Советларининг кўпгина доимий комиссиялари етилган муаммоларни изчил муҳокама қилиш, советларнинг ижроия комитетлари йиғилишлари учун масалалар тайёрлашда актив иштирок этмоқдалар. Депутатлар аҳолининг меҳнат шароити ва турмуш маданиятини яхшилаш масаласи билан жиддий шуғулланмоқдалар. Масалан, В. Очилова раислик қилаётган савдо ва умумий овқатланиш доимий комиссиясини олиб кўрайлик. Мазкур комиссия аъзолари Бўка шаҳридаги савдо тармоқлари ишини муфассал текшириб, анчагина камчиликларни аниқладилар ва уларни бартараф этдилар. Натижада магазинлар меҳнаткашларга қулай бўлган пайтларда, аниқ графикда ишлай бошлади. Харидорлар ҳақига хиёнат қилган айрим савдо ходимлари жазоланди.

Шу йилнинг биринчи ярмида доимий комиссиялар районда етилган муаммолар бўйича 17 та масалани тайёрлашда қатнашдилар. Бу масалалар советларнинг йиғилишларида муҳокама қилинди ва зарур тадбирлар белгиланди. Доимий комиссиялар қўшимча докладлар тайёрлаш, ўз йиғилишларини ўтказишда ҳам фаоллик кўрсатяптилар. Доимий комиссиялардан 2 таси сессияларда ҳисобот берди.

Шу билан бирга маҳаллий Советлар депутатларининг кўпчилиги фаолиятида, жиддий нуқсонлар бор. Энг муҳими ташкилотчилик масъулиятини чуқур ҳис қилишмаётибди. Хусусан, «Бўстон», Қоракўйли, Киров ва Чиғатой қишлоқ Советларидаги доимий комиссиялар йиғилишлари ўз вақтида ўтмаяпти. Улар томонидан ижроия комитет йиғилишлари ҳамда сессия учун тайёрланаётган масалалар чуқур ўрганилмаётир. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси ва сайловчилар томонидан берилган наказларнинг бажарилиши устидан назорат бўш. Улар ўз территорияларида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар иши билан жиддийроқ шуғулланмаяптилар. Шунингдек, ердан унумли фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, капитал қурилишнинг боришини назорат остига олиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни кузатиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга бевосита масъул эканликларини унутиб қўймоқдалар.

Комиссиялардан айримлари фаолиятида эса бошланган ишни охирига етказмаслик каби зарарли одат давом этмоқда. У. Эргашев раислик қилаётган Чиғатой қишлоқ Советига қарашли маиший хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия ишида худди ана шундай аҳвол рўй берди. Бу доимий комиссия аҳолининг маданий-маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга эътибор бермаяпти. Унинг лоқайдлиги, беқарорлиги туфайли Ҳамза номли колхоз территориясида фотосалон ва пойабзал устахонаси очилмай қолди. Ваҳоланки, доимий комиссия аъзолари сайловчиларга бу ҳақда қуюқ ваъда берган эдилар.

Бўстон қишлоқ Совети (раиси М. Ражабов)да ҳам меҳнаткашлар эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган масалани ҳал этишга масъулиятсиз қаралмоқда. Мазкур қишлоқ Советида биринчи ярим йилликда мандат, план-бюджет ва қурилиш бўйича доимий комиссиялар бор-йўғи бир мартадангина йиғилиш ўтказганлар, холос. Х. Сатторов раислик қилаётган Киров қишлоқ Советида ҳам аҳвол худди шундай.

Депутатлик группаларига ҳам жиддий эътирозлар билдириш зарур. Айниқса, Чиғатой, Ленин, Қўштепа қишлоқ Советлари ва Бўка шаҳар Совети депутатлик группалари қониқарсиз ишламоқдалар, ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатишмайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида «Халқ депутатлари Советларининг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришдаги ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» ва КПСС Марказий Комитетининг «Халқ депутатлари Советларига партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида доимий комиссияларнинг фаолиятларини янада яхшилаш масалаларига катта эътибор берди. Уларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги муаммоларни ҳал этишдаги вазифалари конкретлаштирилди. Сессиялар ва ижроия комитетлар кенгашларига масалалар тайёрлашда доимий комиссиялар активлигини ошириш лозимлиги, шунингдек, депутатлик группалари ва постлари ишини яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

Ана шу талаблар ҳаммамиз учун жанговар ва аниқ иш программасидир. Бўка район ижроия комитети ҳозирги пайтда шаҳар ва қишлоқ Советларида семинар-кенгашлар ўтказиб туришни тажриба сифатида йўлга қўймоқда. Ана шундай йиғилишларда доимий комиссиялардаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташланмоқда. Депутатлик постлари ва группаларининг фаолиятига жиддий баҳо берилмоқда. Партиямиз қарорлари асосида ишлаш, ташаббускорликни ошириш, ҳаётга тобора яқинлашиш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эътибор кучайтирилмоқда. →

### ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК, АВАЙЛАЙЛИК

**Э. АБДУРАСУЛОВ,**

**Бўстонлиқ район халқ депутатлари Ўгам қишлоқ Советининг раиси:**

— Сир эмас, саноат ишлаб чиқаришининг тобора ривожланиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги ишларида индустриал методлардан тобора кенг фойдаланилаётганлиги табиат хазинаси бўлган зилол сувларимизни, тоза мусаффо ҳавоимизни ғуборсиз сақлаб туришни қийинлаштирмоқда. Албатта, ҳавонинг софлиги, сувимизнинг тозалиги ҳаммамизнинг соғлигимиз, атроф-муҳитнинг зарарсиз бўлиши учун жуда муҳимдир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кишиларнинг саломатлигини сақлаш, атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилишни умумдавлат ва умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим масала деб қарамоқда.

Бўстонлиқ районидаги Ўгам қишлоқ Совети территориясидаги бетакрор табиий манзара ажойиб шифобахш об-ҳавоси, зилол сув, беғубор ҳавоси билан машҳур. Булар энг бебаҳо табиат бойлигидир. Қишлоқ ўзининг ана шу хусусиятлари билан кўпчиликни ўзига жалб этмоқда.

Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Ўгам қишлоғининг бугунги манзараси, унинг табиати илгаригидек беғубор ва шифобахш деб айтолмаймиз. Негаки, баҳор кезларида меҳнатсиз даромад излаб, санғиб юрувчилар айби билан бу ерда лолалар, хилма-хил гуллар, қўйингчи, «Қизил китоб»га кирган бошқа фойдали ўсимликлар пайҳон қилинадиган бўлиб қолди. Эндиликда табиат бойлигини бу қадар топталишига йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам бор: депутатлар бошлиқ жамоатчи активлар билан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини кўзлаб ўтказган рейдлар туфайли айрим хўжалик раҳбарлари табиатимизга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлишаётгани ҳам аниқланди. Масалан, узоққа бормайлик. «Ўзбекбирлашув»га қарашли Хумсон санаторийсининг маъмурияти ва бошқа бир қатор ташкилотлар ўз чиқиндилари билан Ўгамнинг сув ва ҳаво бассейнларини доимо ифлос қилиб келишяпти. Чорвоқ посёлкасида яшовчи қатор хонадонлар ўз уйларини мазут билан иситиб, атрофни қўланса тутун билан булғашяпти.

Халқимизда яхшидан ном, ёмондан дод қолади, деган гап бор. Қишлоғимизга дам олиш учун ташриф буюрган баъзи «меҳмон»лардан ибратли из қолмаётибди. Улардан фақат бўш шишалар, консерва банкалари, қоғоз ва целофан қолдиқлари қоляпти, холос. Дам олган жойларни пайҳон қилиб, ифлос қилиб кетишяпти.

Бундай тартибсизлик ва табиатни оёқости қилишга қатъий чек қўйиш зарур. Бу иллатларнинг олдини олиш учун бизда имкониятлар бор. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунга таянган ҳолда ўз ҳуқуқ ва ваколатларимиздан тўла фойдаланишимиз зарур. Атроф-муҳитни ва табиат бойликларини асрашга эътиборсизлик билан қараётган ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан талабчан бўлайлик. Бунда барча депутатларнинг уюшган ҳолда иш олиб боришлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Депутатларнинг бу масалалар билан жиддийроқ шуғулланишларига эришмоғимиз шарт. Дам олиш учун келадиганларга айтадиган сўзимиз шуки, табиатдан баҳраманд бўлиш учун уни севиш, ҳурмат қилиш ва асраш керак.

# Чет элларда

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПАРИЖ. Узоқ давом этган қизғин бахслардан кейин Франция сенати — мамлакат парламентининг юқори палатаси терроризм билан кураш тўғрисидаги ҳукумат қонун лойиҳасини маъқуллади. Франция Коммунистик партияси ва социалистларнинг вакиллари бу қонун лойиҳасига қарши овоз бердилар. Бу ҳужжат ўнг кўпчилик кабинетининг полиция ва суд аппарати ваколатлари ва ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган тадбирларининг бир қисмидир. Агар ушбу қонун лойиҳаси қонун тусини олса, деб таъкидлади «Юманите» газетаси, — у холда тинтувлар, облавалар ўтказиш ҳамда гражданларни ушлаш учун полицияга қўшимча имкониятлар берилади. Айни вақтда ҳукумат мамлакатда жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлаётган ўткир социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш йўлида бирон бир жиддий чора тадбирлар кўришни таклиф этаётгани йўқ.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда АҚШ Коммунистик партиясининг миллий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ҳозирги босқичда партиянинг стратегияси ва тактикаси масалаларига бағишланди. Делегатлар Америка коммунистларининг тинчлик ва социал адолат учун курашини активлаштиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. АҚШ Компартияси Бош секретари Гэс Холл анжуманда сўзга чиқиб, ҳозирги халқаро кескинлик вазиятида ядро халокатининг олдини олиш ва ядро қуроли пойгасини жиловлаш учун кураш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Ана шу йўлдаги биринчи қадам сифатида, деб уқтирди у, Рейган маъмуриятини ядро синовларини тўхтатишга мажбур этиш лозим. Америка коммунистларининг раҳбари, ноябрь ойида АҚШ конгрессига бўладиган оралиқ сайловларда қуролланиш пойгаси талабгорларига қатъий зарба бериш муҳимлигини таъкидлади.

◆ ЛУСАКА. Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Жеффри Хаунинг Африка жанубидаги мамлакатларга сафари барбод бўлди. Министр ўз сафарининг сўнгги кунида ЖАР президенти Питер Бота билан музокаралари тугагач, матбуот конференциясида «Лондон кўзда тутган тараққиётга эришилмади», деди. Тори ҳукуматининг вакили Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар номидан ўзи илгари сурган ташаббуслар Преторияда етарлича тушунилмаганини тан олишга мажбур бўлди.

(ТАСС, 30 июль).

## ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 30 июль. (ТАСС). Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Форс кўрфазида «йирик денгиз нишони»ни яна шикастлантирдилар, деб хабар берилади Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Фронтнинг марказий участкасида Ироқ бўлинмаси Эрон позициясига ҳужум қилди ва душман аскарларига талафот етказди, ўқ-дори сақланадиган омборни яксон қилди. Басрадан шарқроқда Эрон бўлинмасининг ҳужуми даф этилди. Фао секторида, Майсандан шарқроқда ва фронтнинг шимолий участкасида душманга зарба берилди.

НИКОСИЯ, 30 июль. (ТАСС). ИРНА агентлиги Эрон самолётлари Басра ва Сулаймония вилоятларида душманнинг саноат ва ҳарбий объектларига ҳужум қилганлиги тўғрисида хабар беради. Эрбил—Мосул йўлидаги кўприк бомбардимон қилинди. Хувайза ботқоқлиги районида Эрон—Ироқ солдатларидан 100 киши ўлдирилди. Фао секторида, фронтнинг жанубий ва марказий участкаларида артиллерия отишмалари давом этди.

